

theoretical material and is very important in research.

Конференция

2016 йил Бухоро, Тошкент ва Андижон шаҳарларида ўтказилган «Стоматологик касалликларнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманларининг маълумоти

С.Н. Махсудов

Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги бош стоматологи

А.И. Хасанов

Ўзбекистон стоматологлар ассоциациясининг раиси

Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг буйруғига биноан Ўзбекистон стоматологлар ассоциацияси ва Тошкент Давлат стоматология институтининг Бухоро филиали ҳамкорлигида 4- март 2016 йил ва 9- июл 2016 йил Андижон шаҳрида Ўзбекистон стоматологларининг “Стоматологик касалликларнинг долзарб муаммолар” мавзусида илмий – амалий анжумани бўлиб ўтди. Ўтказилган тадбирларнинг мақсади: Стоматологик касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг самарасини оширишга қаратилди.

Мақсаддан келиб чиқан ҳолда, анжуманда қуйидаги масалалар кўрилди:

1. Республика аҳолиси орасида стоматологик касалликлар эпидемиологияси.

2. Стоматологик касалликларга оид меъерий – ҳуқуқий ҳужжатларининг юритилиш ҳолати.

3. Бирламчи бўғинда стоматологик касалликлар профилактикасини ташкил қилиш.

4. Болалар орасида тарқалган стоматологик касалликларнинг даволаш тадбирлари ва профилактикаси.

Анжуманларнинг очилишида Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги профессор Анвар Валиевич Алимов номларидан анжуман қатнашчиларига табрик сўзни Республика бош стоматологи С.Н. Махсудов ўқиб эшитирди. Сўнг Бухоро, Андижон вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари ва вилоят соғлиқни

сақлаш бош бошқармаси бошлиқлари Ўзбекистон стоматологлар ассоциациясининг раиси А.И. Хасанов анжуман қатнашчиларига табрик сўзларини айтдилар.

Сўнг 10.00дан 17.00 гача анжуманда илмий-амалий маърузалар тингланди. Анжуман ишида профессорлар ва вилоят бош стоматологлари билан бирга ёш мутахассислар, клиник ординатор ва магистрлар ҳам ўз маърузалари билан қатнашдилар. Яқунда анжуман қатнашчиларига сертификат топширилди.

Мазкур анжуманларда қуйидаги қарорлар бир овоздан қабул қилинди:

1. Бирламчи тиббиёт тизимида, шу жумладан, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ва мактабгача тарбия муассасалари ҳамда болалар уйлари тарбияланувчилари орасида даволаш-профилактика ва диспансеризация (кариес ва унинг асоратлари, пародонтология хизмати ҳамда туғма ва ортирилган юз-жағ соҳаси нуқсонлари) ишларини қайта жонлантириш.

2. Болалар ўқув ва тарбия муассасаларидаги стоматологик хизматни тўлиқ ташкил этишда Халқ таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда иш юритиш.

3. Болалар ўқув ва тарбия муассасалари стоматология хизмати учун зарур бўлган санитар-эпидемиологик ва тиббий техник шарт-шароитларни яратиш.

4. Бирламчи тиббиёт тизимидаги стоматологик муассасаларни мунтазам тарзда энг зарур дори воситалари, сарфлов материаллари ва хом-ашё ҳамда

тиббий техника воситалари билан таъминланишини марказлашган ҳолатда тизимли тарзда йўлга қўйиш.

5. Худудларда стоматологларни аттестациядан ўтишлари учун тайёрланган уч йиллик ҳисоботларига худудий ассоциация раисининг такризи ва бош стоматологни тавсияномасини киритиш.

6. Худудларда хусусий стоматологик клиникаларнинг диагностика ва даволаш ишларини сифатини текшириш ва давлат стандартларига мослигини даврий тарзда таҳлил қилиш худуд стоматология ассоциациясининг раислари ваколатига юклатиш.

7. Хусусий стоматология клиникаларининг даволаш ишлари бўйича ҳисоботларини ССВ томонидан тасдиқланган тиббий ҳисоботлар стандартида кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ шакллантириб, даврий тарзда Худудий ССБларнинг даволаш-профилактика бўлимларига ҳавола этиш.

8. Республикамиз худудларининг бош стоматологи, ассоциация раисларига жойларда врач-стоматолог мутахассислари ҳамда уларнинг хизмати билан етарли таъминланмаганлиги боис, Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиаллари битирувчиларини мазкур худудлардаги бирламчи тиббий тизим ишига йўналтириш.

9. Ассоциацияни аъзоликка кириш энг кам иш ҳақини 20% ташкил қилсин, йиллик аъзолик бадаллик пули энг кам иш ҳақини 20% қилиб белгилансин.

10. Бирламчи тиббиёт тизимида ва хусусий секторда стоматологлар томонидан юритилаётган умумтиббий ҳужжатларнинг шакли беморнинг стоматологик статусини тўла-тўқис ифолалаб бериш имконини бермайди ва шу боис, мазкур секторларда У-43а шаклни жорий қилиш белгилансин.

11. Хусусий стоматология шифохоналарга лицензия бериш комиссиясида мутахассис сифатида худудий ассоциация раисларини иштироки белгилансин.

12. Вилоят, шаҳар ва туманлар молия ходимлари томонидан тиббиёт

тизимининг бирламчи бўғинида қонуний тарзда фаолият юритаётган стоматологлар иш ўринларини “молиявий нотўғри режалаштирилган” деган асосиз баҳоналар билан улар учун ажратилган қонуний иш ўринларини бекор қилинишига барҳам берилсин.

13. Стоматология хизмати учун зарур бўлган тиббий техник жихозлари, махсус хом-ашё материаллари ва дори маҳсулотлари республикамизга марказлашган тарзда келтирилишини йўлга қўйиш ҳамда стоматологик маҳсулотларга бўлган божхона ва солиқ тўловларини бекор қилиш.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 19 мартдаги 112-сонли “Республикада стоматология хизматини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғига мувофиқ барча туманлар кўп тармоқли марказий поликлиникаларида ҳар бир тумандаги мавжуд стоматологик штатлар ҳисобидан болалар аҳолиси учун ихтисослашган стоматология хизматини йўлга қўйиш ишларини амалга ошириш.

15. Худуд бош стоматологларига аҳолини ҳар йилги чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш тадбирларида стоматологларнинг иштирокини таъминлаш, ҳамда худудлар кесимида стоматологик касалликларнинг эпидемиялогияси ҳақида маълумотларни Республика бош стоматологига ва Ўзбекистон стоматологлар ассоциацияси раисига жамлаб топшириш.

Анжуман яқунлари бўйича қарорлар Республикамиз Соғлиқни Сақлаш Вазирлигига тақдим этилди. Келгусида бу муаммоларни ҳал қилш учун ЎзР ССВ билан келишиб, ташкилий чоралар кўриши керак.

19 -21 апрел 2016 йилда Республикамиз Сағлиқни Сақлаш вазирлиги билан «ITE Uzbekistan» кўргазма ташкилоти билан ҳамкорликда «UZBEKDENTALEXPO» кўргазмаси ўтказилди. Бунда янги, замонавий стоматологик бор машиналар, техник анжомлар, йирик ва майда стоматологик асбоб-ускуналар, пломба ва қолип олувчи хом ашёлар ва бошқа-бошқа

стоматологик жихозлар кенг стоматологлар оммасига жалб қилинди.

Анжумандаги маърузалардан даволаш-профилактик ишни самарали бўлиши учун - диспансерлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидланди. Натижада мактаб ўқувчиларини режали кўриқдан ўтказилганда оғиз бўшлиги касалликлари, тиш-жағ аномалия ва шакл бузилишларини келтириб чиқарувчи омилларни эрта аниқлаб, уларни ўз вақтида бартараф этишга, бу эса болаларда тиш-жағ тизимида ривожланувчи касалликларни камайишига олиб келади. Диспансерлаш ёрдамида кам вақт ичида стоматологик ёрдамга мухтож бўлган кўп болаларга профилактик ва эрта стоматологик даволаш чораларини қўллаш, ҳамда барча болаларга режали стоматологик ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Республикада асосий стоматологик касалликларнинг тарқалиши олдини олиш ва уларни даволаш кадрларни салохиятига,

малакасига чамбарчас боғлиқдир. Стоматологик хом-ашёлар билан таъминловчи корхоналарнинг ишини ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг даврда ечилмаган муаммолардан яна бири, бу республикада бозорига стоматологик хом-ашёларни олиб кирилиши, ҳамда республикада стоматологик хом-ашёлар билан таъминловчи корхоналарни ишини ташкил этиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди.

Ушбу анжуманлар стоматолог врачларимиз малакасини оширишга, ҳамкасблар билан узвий алоқа қилишга, ҳар хил муаммоларни биргаликда ҳал қилишга кўмак беради. Хозирги пайтда ушбу вазифани ўта юксак, энг асосий вазифа деб тушунамиз. Келгусида Ассоциация ва Тошкент давлат стоматология институти ҳамкорлигида ташкил этиладиган анжуманларни чет эл олимларини жалб этиш йўли билан ташкил этиш истиқбол режалардан бири ҳисобланади.



Бухородаги анжуман қатнашчилари



Профессор Ж.О. Ризаев маъруза қилаяптилар



Профессор Р.К. Якубов маъруза қилаяптилар



Андижонда анжуман бошланишдан олдин



Профессор С.Н. Махсудов ва доцент Б.Т. Нормухаматов



Профессорлар: Р.К. Якубов, Ю.Х. Юнусов, А.И. Хасанов



«ТИЕ» компаниясининг бошлиғи Ўзбекистон стоматологлар ассоциацияси раисига «ТИЕ» компаниясининг сертификатини топширапти.